Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
3 AVGUST
SHANBA
№ 94 (26.953)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН— ЯПОНИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 28-31 ИЮЛЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА БЎЛДИ



Ўзбекистон дунёнинг яна бир кудратли давлати билан стратегик ҳамкор бўлди. Гарчи, мамлакатимиз билан Японияни ушбу ташрифга қадар ҳам стратегик ҳамкор давлатлар, деб ҳисоблаш мумкин бўлган эса-да, Токиода имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот бундай муносабатларимизнинг расмий тасдиғи бўлди ва алоқаларни янада кенгайтириш имкониятларини очиб берди.

Япония Ўзбекистон билан ҳар томонлама яқин ҳамкорлик қилиб келаётган мамлакатлардан бири. Унинг шу чоққача иқтисодиётимизга киритган сармояси ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошади. Бундан ташқари, «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида мамлакатимизга бағараз ёрдам сифатида 100 миллион доллардан зиёд маблағ ажратилган. 2000 йилдан буёғига кичик ҳажмли лойиҳалар учун жами 2,225 миллион доллар-лик маблағ ажратилишини назарда тутувчи 48 шартнома тузилди. Ўзбекистонда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, ўнга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий соҳада эса томонлар кўплаб халқаро масалаларда бир-бирига мос муносабатда эканлигини таъкидламоқ жоиз. Халқаро террорчиликка қарши кураш борасида ҳам икки мамлакат бир-бирининг саъй-ҳаракатларини маъқуллаб, қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон Японияниг БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлаб келади.

Энди икки мамлакат ўртасидаги янги — стратегик ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, аввало, бу муносабатларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиш даркор. Гап шундаки, айрим мамлакатлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, маълум муддат давомида муайян давлат билан қалин ҳамкорлик қилиши, дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ёки ҳамкор мамлакатдаги вазият ўзгариб қолса, тўнини тескари кийиши мумкин. Стратегик ҳамкорлик эса, айрим ўзгаришлардан қатъи назар узоқ муддатли, қалин, ўзаро ишончга йўғрилган муносабатларни назарда тутади.

Мазкур ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатлар ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдиради. Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Шунингдек, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам бирдай манфаатдорлиги таъкидланган. Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланиши айтиб ўтилган.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон шу йилнинг март ойида АҚШнинг стратегик ҳамкори деб эълон қилинган эди. Эндиликда мамлакатимиз расман ҳам Ғарб, ҳам Шарқнинг энг қудратли давлатлари билан ўта қалин ишончли муносабат ўрнатди. Агар бу доирага Европадаги ишончли ҳамкорларимизни ҳам қўшсак, Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб, изчиллик билан юритаётган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон халқаро майдонда нечоғли юксак ўринга эга бўлаётгани яққол намоён бўлади.

Токиода Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жунъитиро Коидзуми имзолаган иккинчи ҳужжат — Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. У иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари бўйича икки томонлама қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни назарда тутади. Жумладан, унда энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, савдо-иқтисодий муносабатлар, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, ҳаво алоқасида ҳамкорликни янада кенгайтириш каби масалалар қамраб олинган. Албатта, Япония томони бундан буён ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотларни янада кенг қўллаб-қувватлаши алоҳида таъкидланади.

Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида ҳужжатлар айнан Бош вазир қароргоҳида имзолангани Японияниг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир. Бу стратегик ҳамкорликдан фақат Ўзбекистон эмас, Япония ҳам манфаатдорлигини, икки томонда ҳам алоқаларни шундай юксак даражага кўтариш учун интилиш ғоят кучли эканини тасдиқлайди.

Умуман, Токиода жами ўн тўртта ҳужжат имзоланиб, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори ғоят мустаҳкамланди ва мазмунан бойиди. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Bank of Tokyo-Mytsubisi» ўртасида имтиёзли кредит борасидаги, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар, 348 миллион иенлик грант ажратилиши ҳақидаги нота ва бошқа муҳим ҳужжатларга имзо чекилди.

Ислом Каримовнинг Токиодаги Васеда университети томонидан ушбу муассасанинг ҳуқуқ фанлари бўйича фахрий доктори этиб сайлангани ҳам ғоят муҳим воқеадир. Ўзбекистон — Япония илмий муносабатлари ривожига қўшган улкан ҳиссаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош ташаббускори ва ижодкори бўлгани учун Васеда университети илмий кенгаши Ўзбекистон Президентини ана шу унвон билан тақдирлади.

Университетдаги тантанали йиғилишда Ўзбекистон Президенти Фармони билан икки мамлакат халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, илм-фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун таниқли олим ва жамоат арбоби, Васеда университети ректори Такаясу Окушима Ватанимизнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирлангани эълон қилинди.

(Давоми 2-бетда)

«SOCIALOOK INTERNATIONAL» ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Ҳиндистонда чоп этиладиган «Socialook international» журналининг июль сони Ўзбекистонга бағишланган мақола ва фотолавҳаларни ўз саҳифаларида нашр этди.

Халқаро масалаларни ёритишга ихтисослашган ушбу журнал Ҳиндистоннинг ташқи олам билан муносабатлари, халқаро ва маҳаллий миқёсда амалга оширган муҳим маданий ва илмий тадбирлари, мамлакатда мавжуд хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг фаолиятларини акс эттирувчи хабар ва мақолаларни чоп этади.

Навбатдаги нашр муқовасининг биринчи бетида ўзбек қизларининг миллий либослардаги суратлари ўрин олган. Журналнинг шу сонида, шунингдек, «2002 йил Ўзбекистонда қарияларни қадрлаш йили» сарлавҳали мақола ҳам эълон қилинган. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинишида катта мазмун борлиги ҳамда Ўзбекистонда кексаларга ҳурмат-эътибор юксаклиги таъкидланган.

Журналдан жой олган «Халқаро болалар Ассамблеясида ўзбек болаларининг иштироки» сарлавҳали мақола ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқаларига бағишланган бўлиб, Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлал Неру туғилган куни муносабати билан ўтказиладиган болаларнинг анъанавий халқаро маданий фестивалидаги ўзбекистонлик ёш истеъдодларнинг иштироки ва мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси томонидан уюштирилган қабул маросими ва унда ўзбекистонлик қизлар ижросидаги ранг-баранг рақслар дастури меҳмонларда катта таассурот қолдиргани тўғрисида ҳикоя қилади.

■ **Шуҳрат УМИРОВ,**
«Жаҳон» АА мухбири
Дехли.

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ЯНГИ ДЕПАРТАМЕНТ ТУЗИЛАДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш дунё миқёсидаги тарғибот департаментини тузишга қарор қилди. Мазкур департамент АҚШ маъмуриятининг режа ва фикрлари, қисқаси, дунёқараши халқаро майдонда тўғри талқин қилиниши ҳамда тўғри шакланишига масъулдир.

«The Washington Post» газетаси берган маълумотларга кўра, департамент Буш маъмуриятининг ташқи сиёсати борасида жон куйдириб, доимий иш олиб боради. Янги департамент шу йил кузда ўз фаолиятини бошлайди.

ЖИДДИЙ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛАДИ

Чоршанба куни кечқурун Донецкдаги Засьядко номли кўмир конининг 1076 метр чуқурлигида портлаш юз берганди. Фожиа сабаб 19 кончи оламдан кўз юмди, 5 нафарининг тақдири эса номаълумлигича қолмоқда.

Кейинги уч йилда ушбу конда юз берган 2 та портлаш оқибатида 100 дан ортиқ киши нобуд бўлган. Украинанинг бошқа барча шахталарида эса шу йилнинг ўзида 150 дан ортиқ кончи портлашнинг қурбонига айланди.

Шу муносабат билан Украина Президенти Леонид Кучма мамлакат бош прокуратураси ва хавфсизлик хизматига Украинадаги барча конларда текширув ўтказиб, хавфсизлик меъёрларига қанчалик жавоб бериш-бермаслигини аниқлашни топширди.

«Агар бирор-бир кон хавфсизлик меъёрларига жавоб бермаса, уни тезда ёпиш даркор. Нафақат Украинага, балки шахсан менга ҳам инсон ҳаёти эвазига қазиб олинадиган кўмир керак эмас», деди Президент. Унинг айтишича, кейинги йилларда юз берган конлардаги фожиаларга табиатдаги кескин ўзгаришлар эмас, балки мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги ва пала-партиш иш юритишлари сабабдир.

КУЧЛИ ЁМҒИР ОҚИБАТИДА

Бу ҳафта Руминия учун ёғин-сочинли келди. Натижада сув тошқини юз берди ва у 3 кишининг умрига зомин бўлди. Мамлакатнинг шарқий ва марказий қисмида 402 та уйни сув босди, 232 километр автомобиль йўли шикастланди. Бундан ташқари 1550 гектар бошоқли экинзор пайҳон бўлди. Айниқса, Плоешти шаҳри сув тошқинидан катта зарар кўрди. Сув бу ердан ўтган нефть қувурини бузиб юборди. Натижада 8 тонна нефть Прахова дарёсига оқиб кетди. Бу ҳақда маҳаллий телевидение хабар берди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«БИР ҚУРИЛИШ ТАРИХИ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 2 май сонида чоп этилган «Бир қурилиш тарихи» сарлавҳали мақола бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз.

Мақола вилоят ҳокимлигида Навбаҳор туман ҳокимининг иқтисодиёт, қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари вилоят ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи ҳамда вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам вилоятда пахта толасини қайта ишлаш корхонасини қуриш ҳамда хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида 1993 йилнинг май ойида «Навоийтекс» корхонаси билан Италиянинг «АТС» фирмаси ўртасида ўзаро келишувга биноан «Навоийтекс» корхонаси тузилган. Навоий ва Навбаҳор туманлари аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида, икки туман чегарасида, яъни Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудидан ер танланган ва корхона қурилиши бошланган.

Италиянинг «АТС» фирмаси айрим сабабларга кўра корхона қурилишига ўз улушини қўшмаганлиги боис, корхона давлат реестридан чиқарилган ва 1995 йилнинг 4 декабрида хўжалик бирлашмаси сифатида рўйхатга олинган.

Ушбу объектнинг лойиҳа-смета қиймати 1991 йилнинг нархида 5983,4 минг сўм бўлиб, 1994-1996 йиллар мобайнида жами 1752 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

Корхона бош лойиҳалари ва техник иқтисодий кўрсаткичлари Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида экспертизадан ўтказилмаганлиги ҳамда хўжаликлар ҳисобидан маблағ ажратилмаганлиги туфайли, қурилиш ишлари ҳозирги кунда тўхтатиб қўйилган.

Корхонанинг бош лойиҳалари техник иқтисодий кўрсаткичлари Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида экспертизадан ўтказилгандан кейин қурилиш ишлари давом эттирилади.

■ **Навоий вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари С. ЛАТИПОВ.**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ИСРОФГАР — БАРАКА ДУШМАНИ

ЁНИЛҒИ МЎЛ БЎЛГАНИ «ХОҲЛАСАНГ УНИ АРИҚҚА ОҚИЗ, ХОҲЛАСАНГ ҲАВОГА СОВУР» ДЕГАНИ ЭМАС!

Бугунги кунда айтиш керакки, қатор автомобиль корхоналарида машиналар эскириб кетганлиги, тежамкорликнинг оддий қоидаларига риоя этилмаслиги сабабли кўплаб ёнилғи исроф бўлаётганлиги ва бу ҳол харажатларнинг ошиб кетишига олиб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу ўринда автомобилчилар: «ҳозир бозор иқтисодиёти бўлса, ўзимизнинг аравамизни ўзимиз тортиб, ёнилғини пулимизга сотиб олаётган бўлсак», — дея эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, улар қийинчиликларга қарамай, пулини тўлаб ёнилғи олишаётганини ҳеч ким инкор қилмайди. Бироқ, бу «ёнилғини хоҳласанг ариққа оқиз, хоҳласанг ҳавога совур», дегани эмас-ку! Бундай кезларда шундай ўйлаётганларга эслатиб қўйиш керак бўлади: нефть маҳсулотлари — умумхалқ мулки, у ердан шунчаки ўзи қайнаб, тошиб чиқаётгани йўқ, кўпчиликнинг меҳнати билан бунёд бўлмоқда.

Ўтказилаётган текширишлар энергия манбаларидан ўринли ва расамади фойдаланиш борасида ҳали кўп ишлар қилиш кераклигини кўрсатиб турибди. Аввалгидек, очиқ айтиш керак, тежамкорликнинг индаллоси — ташкилий-техникавий тадбирлар номигагина тузилса, улардаги рақамлар ҳақиқий ҳолатни акс эттирармиди? Кўп ҳолларда тадбирларнинг бандларига риоя этилмайди, уларни изчил амалга ошириш, ҳақиқий тежамкорликка эришиш пайидаги ишлар бўлинмайди. Бу ҳол табиийки, исрофгарчиликка олиб келади. Айни пайтда жойларда нефть маҳсулотларидан хўжасизларча фойдаланиш ва қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, асоссиз ҳисобдан чиқариш, белгиланган лимитдан ортиқча олиш, қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш тартибларига риоя этмаслик каби ҳоллар исрофгарчиликнинг асосий манбалари бўлиб қолмоқда. Оқибатда катта миқдорда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари бекордан-бекорга йўқолмоқда.

Рақамларга мурожаат қилайлик: текширувларда республикамиз бўйича умумий қиймати қарийб 2 миллиард сўмликдан сал кам 20.000 тоннадан зиёд нефть ва нефть маҳсулотлари исроф этилаётганлиги аён бўлди. 2000 тоннага яқин нефть маҳсулотларининг сифати бузилганлиги аниқланди. Улгуржи истеъмолчилар томонидан бир миллиард сўмдан зиёд 117 миллион куб метр газ қонунга хилоф равишда ёқиб юборилган. Шунингдек, халқ хўжалиги тармоқларида хўжасизлик ва асоссиз ҳисобдан чиқаришлар туфайли 12,5 миллион сўмликдан зиёд 124,3 тонна ёнилғи йўқотилганлиги, лимитдан ортиқча 44 тонна олинганлиги, 584 тоннаси бошқа ташкилотларга бериб юборилганлиги, белгиланганидан 2146 тонна ортиқча сарфланганлиги, қўшиб ёзишлар оқибатида 433 тонна маҳсулот ҳисобдан чиқарилганлиги ва носоз техникадан фойдаланиш туфайли 786 тонна маҳсулот «гумдон» бўлганлиги ҳужжатлаштирилди.

Республикамиздаги барча истеъмолчиларни нефть маҳсулотлари билан таъминлайдиган «бош мироб» — «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясида 372 тонна нефть маҳсулотларини тежаб қолиш имкониятлари бўла туриб, асоссиз ҳисобдан чиқарилиши оқибатида 341 тонна ёнилғи йўқотилган.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом Каримов орденни топширар экан, бу ҳам Ўзбекистон — Япония дўстлигининг рамзи эканлигини таъкидлади.

Қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ҳамда сафар чоғида Ислом Каримовнинг ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари билан самарали, сермазмун, очиқ, дўстона музокаралари Президентимизнинг ташрифи юксак даражада ўтганидан далолат беради. Ташриф натижаларини сарҳисоб қилар экан, Президент Ислом Каримов уч масалани алоҳида қайд этди.

Биринчиси, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Японияннинг стратегик ҳамкорлиги расман ўз тасдиғини топганидир.

Яна бир натижа шуки, сиёсий соҳадаги муносабатлар тамомила янги босқичга кўтарилди. Япония Либерал-демократик партияси мамлакатда қарийб 50 йилдан буён ҳукмронлик қилади. Ана шу партия ташаббуси билан парламентда «ЛДП-Ўзбекистон» дўстлик лигаси тузилган. Ислом Каримов Токиода партия етакчилари билан мулоқотда бўлди. ЛДПнинг бош қароргоҳида ўтказилган қабул маросимида кечган ушбу суҳбатлар ғоят самимий бўлиб, мезбонларнинг муносабатида чуқур эҳтиром, меҳр ва дўстлик руҳи яққол сезилиб турарди.

Ислом Каримовни Жунъитиро Коидзуми ва император Акихито ҳам ниҳоятда самимий кутиб олди.

Император билан учрашув эса алоҳида мавзу. Таомилга биноан, император ҳеч маҳал бир давлат раҳбарини, у неча марта Японияга ташриф буюриши ва ташрифи қандай мақомда ўтишидан қатъи назар, икки марта қабул қилмайди. 1994 йилнинг майида Акихито билан учрашган Ислом Каримов бу сафар ҳам император саройида меҳмон бўлди. Яна бир гап. Япония императори камдан-кам ҳолларда меҳмонларни шахсан кутиб олиб, кузатиб қўяди. Мамлакат халқининг фахри ҳисобланган бу шахснинг Ўзбекистон раҳбарига ғоят илиқ муносабат билдириши — музокарадаги очиқлик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи эҳтиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди. Демак, Япония императорининг давлатимиз раҳбарига кўрсатган эҳтиромида замирида катта маъно-мазмун мужассам.

Шундай қилиб, Токиода Ўзбекистон — Япония сиёсий муносабатлари янада юксалиш палласига киргани аён бўлди. Бу албатта, мамлакатимизнинг одил сиёсати, Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг эътирофи, халқимиз ва ҳукуматимизга эҳтиромдан дарак беради.

Ташрифнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг иқтисодий музокараларга бой бўлганидир. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Япония иқтисодиётини тебратиб турган» йирик корпорациялар раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар бўлди, ишбилармон доираларнинг нуфузли вакиллари иштирокида қабул маросими ўтказилди. Кўтаринки руҳда ўтган суҳбатлар давомида энергетика, ахборот технологиялари, тўқимачилик, кимё ва енгил саноат, коммуникация тизимларини такомиллаштириш борасида кўплаб аҳдлашувларга эришилди.

Айниқса, пахта ва ипакни қайта ишлаш саноати соҳасидаги келишувлар алоҳида эътиборга молик. Қайси мамлакатда бу соҳада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, иш унумдорлиги оширилиб, маҳсулот сифатли бўлиши таъминланса, пахта ва пилладан келадиган даромад бир неча баробар юқори бўлади. Энди Ўзбекистоннинг ушбу соҳаларига ҳам Япония техника ва технологияси кўпроқ жорий этилиши аниқ.

Ислом Каримов Ўзбекистон Япония учун Марказий Осиёга кўприк вазифасини ўташини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда жуда кўп давлатлар қатори Японияннинг ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиёга муносабати тубдан ўзгарди. Сўнгги бир йил ичида эса, бутун дунё Ўзбекистонни қайтадан таниди, десак, хато бўлмайди. Бунинг сабаби кўп. Ўзбекистоннинг минтақамиздаги стратегик, жўғрофий-сиёсий аҳамияти, заҳиравий имкониятлари, иқтисодий салоҳияти муҳимлигини энди ҳеч ким инкор этолмайди.

Шундай қилиб, Ислом Каримовнинг Японияга сафари улкан натижалар билан якунланди. Таъкидланганидек, Ғарбда қудратли давлатлар билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган Ўзбекистон энди Шарқдаги етакчи давлат билан ҳам қалин шерикликни расмийлаштирди. Мамлакатимиз кунчиқар Шарқдан кунботар Ғарбгача дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзмоқда. Ташриф чоғида эришилган келишувлар эса тез орада ўз самарасини бериши, шубҳасиздир.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Токио — Тошкент.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон ХДП Уйчи туман кенгаши ижроия бюроси мажлисида Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 11 йиллиги ва Ўзбекистон футболининг 90 йиллигига атаб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда, туман партия кенгаши кубоги учун маҳаллий футбол командалари ўртасида мусобақалар ўтказиш тўғрисидаги масала кўрилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Тўрақўрғон туман партия кенгаши ҳамда тумандаги «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорликда миллий фольклор қўшиқлари ва миллий таомлар кўрик-танловини ташкил қилдилар. Қарияларни қадрлаш йили доирасидаги ушбу тадбирда турли миллатларга мансуб кексалар фаол иштирок этдилар.

«Қариси бор уйнинг париси бор» мавзуидаги мусиқали кечанинг ташкилотчиларидан бири эса **партиянинг Наманган туман кенгаши** бўлди. Туман хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда ўтказилган мазкур тадбир «Мўтабар аёл» кўрик-танловига уланди.

ЎзХДП Чортоқ туман кенгаши ҳамда маҳаллий жамоат ташкилотлари Фурқат номли маданият ва истироҳат боғида «Аёл борки, олам мунаввар» мавзуида бошланғич партия ташкилотлари котиблари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари билан марокли учрашув ўтказдилар. Тадбирда туман ҳокими ўринбосари А.Хўжаева иштирок этди.

Кўқон шаҳар партия кенгаши А.Зоҳирий номидаги Кўқон педагогика билим юртини битирганлар билан хайрлашув кечасини ўтказишга кўмаклашди. Шаҳар партия ташкилоти раҳбари З.Ҳошимова кеча иштирокчиларини табриклаб, Ўзбекистон ХДП сафига кирган ёшларга партия билетларини топширди.

Ўзбекистон ХДП Сайхунобод туман кенгаши томонидан туман «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда бошқа жамоат бўлинмалари билан биргалашиб ўтказилган семинарда партия фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, мактаблар директорларининг маънавият бўйича ўринбосарлари, «Нуроний» жамғармаси ва ички ишлар идоралари ходимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари қатнашдилар. Унда сўзга чиққан Сирдарё вилояти «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Абдураҳмонов, вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари С.Қудратов, Сайхунобод туман партия кенгаши биринчи котиби С.Чинмирзаев ва бошқалар мамлакатимизда ислоҳотларни амалга ошириш, миллий истиқлол ғоясини юртдошларимиз, айниқса ёшлар онгига сингдиришда маънавият ва маърифатнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида сўзладилар.

Ангрен шаҳар партия кенгаши ҳамда шаҳардаги «Маънавият ва маърифат» маркази «Кўк терак» маҳалласида уюштирган тадбир Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги Қонун қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланди. ЎзХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби Б.Йўлдошев ва шаҳар ҳокими ўринбосари Ф.Исроилов учрашувда сўзга чиқдилар. 10 нафар йигит-қизларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти ва эсдалик совғалари топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН

ЁКИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИДАН

Жаҳон футбол байрами ўзининг бетакрор ва унутилмас воқеалари билан тарих саҳифаларидан жой олди. Бўлиб ўтган 64 учрашувнинг ҳар бирини ўрганиш, таҳлил этиш давом этмоқда. Ҳар бир мамлакат ўзининг имкониятларини жаҳон чемпионати ўйинларига қиёслаб, хулосалар чиқармоқда.

Хўш, яқиндагина биз ҳаяжон билан томоша қилган жаҳон чемпионатидаги ўйинлар даражасини Ўзбекистон футболи билан таққосласак, қандай хулосага келиш мумкин? Терма жамоамизни жаҳон чемпионати финалчилари қаторида қачон кўрамиз? Ушбу саволлар билан республикамиздаги футбол мутахассисларига мурожаат қилдик.

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Бахтиёр РАҲИМОВ, Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби:

— Жаҳон чемпионатининг аҳамияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Биз бундай учрашувлар чоғида катта тажриба, маҳорат, керак бўлса назария ва амалиётнинг ўзига хос намуналарини кўрамиз. Тўғри, Европа ва Лотин Америкаси футболи ҳақида кўпроқ сўзлашга ўрганиб қолганмиз. Бу safar эса манзара бошқача бўлди. Африка, Осиё, қолаверса, Марказий Америкада ҳам футбол жонланиб қолгани кўзга ташланди. Япония ва Жанубий Корея футболи ҳақида ҳам ижобий фикрлар билдириш керак. Кўпчилик ўз майдонида ўйнагани учун натижалар ҳам шунга яраша бўлди, деган фикрни билдиряпти. Аммо ўз майдонида ҳаракат қилиш учун ҳам тенглар ичида тенг бўлишга тўғри келади.

Хитой терма жамоаси чемпионат мезбонларидан ортда қолди. Аммо жаҳон чемпионати финалчилари сафида бўлишнинг ўзи катта ютуқ.

Чемпионатнинг кумуш медали совриндори Туркия футболчилари маҳорати ҳақида бутун дунё гапирмоқда. Ҳеч нарса қисқа муддатда рўёбга чиқмайди. Турклар ҳам бу ютуққа эришиш учун узоқ йиллар кураш олиб боришди. Чемпионатнинг кашфиёти ҳисобланган Сенегал жамоасини олайлик. Бу жамоанинг асосий ўйинчилари Франция клубларида тўп суришади. Улар соф Европа футболини ўзлаштиришган.

Биз, агар шу финалчилар орасида Ўзбекистон жамоаси бўлганда қандай ўйин кўрсатарди, деган мушоҳадаларга бордик. Тўғриси, камчиликларимиз оз эмас. Европа нари турсин, Осиёдаги қатор жамоалар тезлик билан илдамлаб кетаётганини тан олишимиз керак.

Биз бултурдан бошлаб навбатдаги жаҳон чемпионатига ҳозирликни бошлаганмиз. Барча куч ва имкониятлар, ташкилий-тадбирий ишлар Германияда ўтадиган чемпионат финалига чиқишга қаратилган. Бунинг учун аввало Осиё ва Олимпиада ўйинлари синовларидан муваффақиятли ўтамиз. Бутун умидимиз ёшлардан. Ҳозир мамлакат ёшлар терма жамоаси Осиё кубоги учун курашнинг финалига чиққанидан мамнун бўлиб турибмиз.

Биз мухлислар олдидаги масъулиятимизни унутмаймиз. Олдимизда катта вазифалар турибди. Ёш футболчиларга эътиборни кучайтиришимиз, мураббийлар малакасини ошириш чора-тадбирларини кўрмоғимиз зарур. Яна бир гап, терма жамоамиз учун 5-8 сентябрь кунлари Японияннинг етакчи жамоаларидан бири билан Тошкентда ўтказиладиган халқаро ўртоқлик учрашуви шу йўлдаги режаларимиз асосида ташкиллаштирилган.

ХАЛҚАРО УЧРАШУВЛАРНИ ИМКОН ҚАДАР КЎПРОҚ УЮШТИРИШ ЛОЗИМ

Рустам АКРАМОВ, Ўзбекистон футбол федерацияси техник директори, ОФК техник инспектори, ФИФА инструктори:

— Мутахассис сифатида жаҳон чемпионати ўйинларини тактик ва услубий, қолаверса, назарий жиҳатдан ўрганишга тўғри келди. Бу ишга 8 нафар мутахассис жалб этилди. Назаримда, Осиё футболида бир поғона кўтарилиш бўлди. Дунё футболи мутахассислари энди осиёликларга беписанд қарашмайди. Осиё футболи ҳам жаҳон андозаларига мослашмоқда.

Жаҳон чемпионати ҳақида ўз хулосам бор. Катта футболда янги бир йўналиш пайдо бўлаётганга ўхшайди. Чунки фантазия, романтика каби жозиба йўқолиб бормоқда. Мухлисларда бироз зерикиш ҳолатлари бор. Футбол оҳанрабоси, мафтункорлиги камайгандек. Бу сафарги чемпионатда юлдузлар чақнамагани ҳам шундан. Моҳир ўйинчилар эмин-эркин ҳаракатлари билан кишини лол қолдирувчи индивидуал ижод намуналарини қилолмадилар. Илгари эса юлдузларни кўрганда «сеҳргар» ёки «санъат» деб ардоқлардик. Энди эса қандайдир саноатлашган, дастурланган ўйинлар кўрсатилди, чоғи. Ҳимоя ва ярим ҳимоя чизиқларидан чиқолмаслик, жарима майдончасида хавфли вазиятни юзага келтириш қийин кечди. Мутахассислар таъбири билан айтганда, ўйин иккинчи зонада давом этди. Оқибатда бир кишини 2-3 ўйинчи ўраб, «улоқ»ни олиб қочишга йўл бермади. Бештагача ярим ҳимоячидан иборат «девор» мудофаасини ёриб ўтишнинг ўзи бўладими. Ўйлайманки, тотальный, фаол футбол юзага келмоқда. Бундай футбол эса юлдузларни кашф этолмайди. Футболдаги гўзаллик эса йўқолиб боради. Бу кетишда Пеле, Бекенбауэр, Марадона, Платини, Нетто, Яшин кабилар қаторига кимлар қўшилади.

ОЛТИ ОЙ МАЗМУНЛАРИ

Вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси билан корхона, ташкилот, жамоа хўжаликлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида «Олти ойлик якунлар — оламшумул мазмунлар» мавзуида маънавий-маърифий ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Унда республикамиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил ярим йиллигига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тарғиб қилинмоқда.

Ана шундай тадбирлар Уйчи туманининг «Соҳибкор», А.Мўминов ва Беруний номидаги жамоа хўжаликларида бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби Зиёвиддин Мансуров мамлакатимизда мустақиллик туфайли кечаётган туб ислоҳотлар, Президентимиз нутқларида таъкидланган муҳим масалалар ҳақида гапирди.

Наманган давлат университети доценти Б.Исҳоқов ўзбекнинг ўзлигини намоён этишдаги тарихий омиллар моҳияти, мустақилликни мустаҳкамлаш, кишилар онгида янгича фикрлаш, миллий ғояни шакллантириш каби масалаларда маъруза қилди. Жамолиддин Муслим, Носир Аббос сингари ижодкорлар она-Ватанни, мустақилликни улуғловчи шеърларидан ўқиб бердилар.

Худди шундай тадбир «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида, Чортоқ сиҳатгоҳида, Ўзбек —Япония «Силк-Роад» қўшма корхоналарида ҳам бўлиб ўтди.

■ **Абдуҳаким АБЖАЛИЛОВ,**
вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши мутахассиси

Қорасув шаҳридаги янги гузар «Сарбон» номи билан аталди. У пенсионер-тадбиркор Абдумўмин ота Юсупов маблағлари ҳисобига бунёд этилди.

ТАДБИРКОР ГУЗАР ҚУРДИ

Гузардаги универсал дўкондан маҳалла, қолаверса бутун шаҳар аҳолиси қурилиш жиҳозлари, саноат моллари, хўжалик буюмлари ҳамда ўқув қуролларини харид қилишлари мумкин. Бундан ташқари, маиший техника жиҳозлари ва пойабзал таъмирлаш устахоналари эл хизматида. Музқаймоқ ҳамда бошқа турдаги ширинликлар тайёрлаш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Йигирма нафардан ортиқ ёшлар бу замонавий мажмуада ўз ўринларини топишди.

■ **«Туркистон-пресс»**

Шу кунларда шаҳарсозларимиз мамлакатимизнинг Бош байрами — Мустақилликнинг 11 йиллиги шарафига пойтахтимиз кўркига кўрк, файзига файз қўшадиган янги-янги йирик маъмурий иншоотлар, шинам турар-жойлар, шуҳли илм масканлари, салобатли кўприклар, маҳобатли йўллар, тароватли боғ ва хиёбонлар қурилишини жадал олиб боришяпти.

Амалга оширилаётган ана шундай улуғвор ишлардан бири — пойтахт кичик халқа йўлининг давоми бўлиб, унинг ҳозир барча бўғинларида катта бунёдкорлик ишлари қизғин тус олди.

Суратқаш-мухбир Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ тасвирга туширган мана бу лавҳаларда пойтахтнинг Усмон Носир ва Фарҳод кўчалари туташган чорраҳа устида қурилаётган янги улкан кўприк, уни тиклашда кеча-кундуз тер тўкаётган йўлсозлар ва йўл қурилиши ишлари илмий-тадқиқот институти ходимларининг қайноқ меҳнат дамлари акс этган. Узунлиги 137, эни 34 метр бўлган бу кўприк шаҳар кичик халқа йўлининг изчил давомийлигини таъминлабгина қолмай, автомобилларнинг тез, қулай ва бехатар ҳаракатланишига имкон яратади. Энг муҳими, у йўловчилар вақтини тежаб, хавфсизлик қоидаларининг сақланишини таъминлайди.

✧✧✧

СУРАТЛАРДА: *янги кўприкнинг умумий кўриниши; йўл қурилиши ишлари илмий-тадқиқот институти ходимларининг иш жараёни; пойтахт кичик халқи йўли бўғинларидан бирида сўнгги ишлар кетмоқда.*



ЯНГИ КЎПРИК, ЯНГИ ЙЎЛ, ЯНГИ ИМКОНИЯТ...

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ИСРОФГАР — БАРАКА ДУШМАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида аҳвол жуда ачинарли. Вазирликнинг фақат 202 та хўжалигида ўтказилган текширишда йўқотилаётган нефть маҳсулотлари 1125 тоннани ташкил этади. Қачонгача бу ташкилот жойларда ёнилғининг тонналаб йўқотилишини индамай кузатиб туради? Йилига 1 миллион тонна атрофида нефть маҳсулотлари оладиган вазирликда тежамкорлик, иқтисод каби долзарб масалаларга умуман эътиборсизлик қилинаётган ҳолларни республика коммунал хизмат агентлиги, енгил, пахта саноати уюшмаларида ҳам учратиш мумкин.

Шуниси ажабланарлики, текширишда «Ўзбекэнерго», «Ўзкоммунхизмат», «Ўзенгилсаноат», «Ўзпахтасаноат» каби қатор ташкилотларнинг тежамкорликка эришганликлари ҳақидаги тайёрлаган ахборотлари ҳаммаси ёлғонлиги, бирор тонна ҳам ёнилғи тежаб қолинмаганлиги аён бўлди. Олий таълим, халқ таълими вазирликлари, геология, автомобиль, машинасозлик саноати, трансқурилиш, «Ўзмева-сабзавотузум» саноати, паррандачилик саноати, солиқ қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар тежаб қолинган нефть маҳсулотлари ҳақида маълумот берган бўлсалар-да, бироқ, бу рақамларга қандай манбалар ҳисобидан эришилганлиги кўрсатилмаган. Яна бир «эътиборли» ҳолат: деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси маълумотларига кўра, 1967 тонна автобензин ва 13741 тонна дизель ёнилғиси тизимда ўтказилган ҳар хил тадбирларнинг амалга оширилиши эвазига тежаб қолинганлиги кўрсатилади. Аслида улар лимитдаги, аммо турли сабабларга кўра олинмаган маҳсулотни «тежамкорлик» ҳисобига киритиб юборишган. Бундай кўзбўямачиликнинг кимга кераги бор? Яна ўз-ўзини алдашми?

Тақдим этилаётган статистик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, лимитлар тақсимоти қатъий ва доимо назорат қилиб турилишига қарамай, нефть маҳсулотларини ҳеч бир сабабсиз олди-берди қилиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Республика бўйича 1852 тонна автобензин ва 4520 тонна дизель ёнилғиси бошқа ташкилотларга бериб юборилганлигини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Статистик маълумотга кўра, айрим вазирликлар ва идоралар томонидан 57 тонна нефть маҳсулотлари ортиқча сарфланганлиги қайд қилинган. Қатор ташкилотлар таналаб текширилганда эса бу кўрсаткич 260 тоннага етганлиги аниқланди. Демак, қатор вазирликлар ва идоралар томонидан статистик маълумотлар енгил-елпи, номигагина, баъзида билиб туриб ёлғон рақамлар асосида тайёрланмоқда.

Табиий газдан фойдаланиш борасидаги аҳвол ҳам қониқарсиз. Меҳнат вазирлиги, «Ўзбекипаги» уюшмаси, «Ўзагроқурилиштаъмирлаш» ташкилоти, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари каби 7 та ташкилот газдан тежамли фойдаланишнинг мўлжалланган топшириғини 26,86 миллион куб метрга бажармади. Ўзбекистон қурилиш материаллари акциядорлик компанияси бўлинмаларида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун 48,8 миллион куб метр газ ортиқча оҳак ишлаб чиқаришда 3,7 миллион куб метр газ кўкка совурилди. Компаниянинг «Бекободцемент» акциядорлик жамиятида газнинг ялпи сарфи 8,3 фоизга ошганлиги оқибатида 7513 минг куб метр газ йўқотилган. Қозонхоналарда эса 131,65 минг куб метр газ ортиқча сарфланган. Бунинг учун бекободлик цементчилар 4,5 миллион сўмлик жарима тўлашди. Оҳонгаронлик цементчилар эса «мусобақада» ўзиб кетиб, 7,8 миллион сўм, том материаллари корхонаси 830 минг сўмдан зиёд жарима тўладилар.

Йўл қўйилаётган камчиликлар хусусида «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси раиси ўринбосари А. Маҳамадиев маълумотлар эскирганлигини баҳона қилиб, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргирлигини ва ҳисоб рақамларида валюталари борлигини рўкач қилади. Тўғри, корхона маҳсулотлари харидоргир ва ҳисоб рақамида валютаси бордир, бироқ, биз маҳсулот ишлаб чиқариш учун ортиқча сарфланаётган табиий газ, тўланаётган жарима қайси ҳисобдан бўлаётганлигини ҳам эшитишни истардик.

Бугина эмас. Электр ва иссиқлик қуввати, нефтни қайта ишлаш, қора металл, ўғит, цемент, оҳак ишлаб чиқариш, газ узатиш учун сарф бўлаётган ёқилғи турлари ҳажми ҳам тобора ошиб бормоқда. Газ ва ёнилғидан фойдаланадиган қурилмаларнинг аксарияти носоз, стандарт талабларига жавоб бермайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига сарфланаётган ёнилғи қийматини аксарият мутасаддилар аниқ билишмайди. Ғишт заводларида хумдонларга қўлбола газ каллаклари ўрнатилиб, «зангори олов» орқаўнгига қаралмасдан совурилмоқда.

Кўриниб турибдики, жойларда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва табиий газдан фойдаланиш даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Мутасадди идоралар ва ташкилотларнинг айрим раҳбарлари тежамкорликка эътибор бугунги кун талаби эканлигини ҳали-ҳануз англаб етганларича йўқ. Халқимизда эса «исрофгар — барака душмани» деган нақл бор...

■ **Нодир РАМАЗОНОВ,**
«Ўздавнефтгазинспекция» бошлиғи,
Собиржон САЛИМОВ,
Матбуот маркази раҳбари

ФУТБОЛИ

КЕЙИНГИ ХУЛОСА, ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР



Ўзбекистон футболи ҳақида сўзлаганда, аввало, бой маънавий меросимиз, ўзбекона феъл-атворимиздан келиб чиқиб, дадил айтиш мумкинки, ўзбек футболи жаҳон чемпионатларида қатнашишга қодир. Йигитларимиз феълида ҳурфикрлилик, уюшқоқлик, қизиққонлик, қолаверса, интилувчанлик бор. Хўш, нега энди футболда ўзимизни кўрсата олмас эканмиз?

Кўпчилик эътиборсиз қараган Коста-Рикани олинг. Кейинги тўрт йил давомида 12-15 тадан халқаро учрашув ўтказган. Бразилия, АҚШ, Германия, Аргентина каби мамлакатлар терма жамоалари билан куч синашган. Йилига бу ўйинларга 10-15 миллион доллар сарфланган. Буни тўртга кўпайтирсак, қанча бўлиши аён. Босқичма-босқич тайёргарликнинг самараси бу. Яхши ниятда айтгим келади: агар биз ҳам ана шундай аниқ режа асосида тайёргарлик кўрсак, муродимиз ҳосил деяверинг. Профессионал футболда аввало шартнома кўзда тутилади. Ҳар қалай маънавий ва моддий манфаатдорлик футболчига ҳам ғайрат, ҳам масъулият юклайди.

Кези келганда жаҳон чемпионати финалчиларининг моддий аҳволи ҳақида айтгим келади. Жанубий Корея терма жамоаси йилига 17 марта халқаро учрашувда куч синашишга имкон топади. Саудия Арабистонида эса бу рақам 27 тани ташкил этади. АҚШда футбол ривожи учун 10 йил аввал 120 миллион доллар ажратилган. Кейинги пайтларда эса ҳар йили қўшимча беш миллиондан берилган. Шунингдек, 8 йил аввал Хитойда футбол учун 57 миллион доллар, японлар 87 миллион доллар ажратишган. Биз эса бу жамоаларнинг ҳаммаси жаҳон чемпионати финалига чиққанини кўрдик.

Ўзбекистон футболини янада ривожлантириш учун яратилган имконият ва имтиёзларни ҳам бошқа мамлакатларга ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Афсуски, биз улардан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Клубларимиз ҳамон профессионалликдан узоқда. Яна айрим фикрларни айтмоқчиман. Ўзбекистон футболини ривожлантириш учун аввало болалар ва ўсмирлар футболини оммавийлаштиришга, мураббий кадрлар малакасини оширишга эътиборни қаратиш лозим. Мамлакат миллий терма жамоаси ва ёшлар жамоасига етарли сармоя даркор. Бундан буён биз Европа футболи билан бақамти бўлишга интилиб, халқаро учрашувларга зўр берсак, кўзда тутилган натижага эришишимиз ҳеч гап эмас.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ЙЎЛИДА

Равшан ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи:

— Ҳаммамиз ҳам жаҳон чемпионати ўйинларидан «озиқланамиз». Бу сафарги футболда ақлли ўйин кўрсатиш кўпроқ бўлди, чоғи. Жамоа бўлиб ўйнаш, бир-бирини яхши тушуниш, майдонни ҳис этишлар ҳам кўнгилдагидек. Бу ўйинларни кўрганда ўзимиздаги камчиликларни ҳис этдик. Ҳар бир футболчи билан алоҳида шуғулланиш, тактик-техник маҳорат, тўп билан муомала қилиш санъатини тобига етказишимиз керак. Ҳали бизда жисмоний тайёргарлик, атлетизмда оқсаш бор.

Ҳозир қобилиятли ёшларни «Пахтакор»га жамлаб, терма жамоа ўзагини яратганмиз. Бу ҳам ўзига хос услуб. Балким, ёшларимиз йилдан-йилга пишиб-чиниқиб, ҳар ким орзу қилса арзигулик футболчига айланар. Айни пайтда бошқа клубларидаги ўйинчиларни ҳам кузатиш, ўрганиш ишларини олиб бораяпмиз. Осиё терма жамоаси асосан «Пахтакор»дан сараланди. Легионерларни ҳам унутмадик. Мақсад мамлакат бош жамоасини яқин келажакда Осиёнинг энг кучлилари қаторида кўриш.

НИЯТ — ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОСЛАШИШ

Алишер НИКИМБОЕВ, Ўзбекистон футбол федерацияси мусобақаларни ўтказиш бўлими бошлиғи:

— Жаҳон чемпионатидан олган таассурот шу бўлдики, бу сафар янги номлар деярли кашф этилмади. Боиси, назарга тушган туркиялик Ҳасан Шошни эртага ҳам ана шундай ўйнай олади деб, ҳеч ким кафолат бера олмайди. Юртимизда футболни ривожлантириш учун аввало Европа, қолаверса, Япония ва Корея тажрибасини ўзимизда қўлласак дуруст бўларди. Боиси, ўз ёғимизда қовурилавериш ҳеч қачон наф бермайди. Биз Осиё футбол конфедерацияси йўл-йўриғи билан кифояланмай, кўпроқ ФИФАга юзлансак, Европа футболига яқинлашсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Имкон қадар футболчиларимизни ўқитиш, малакасини ошириш учун хорижга кўпроқ йўллашимиз даркор. Ишончим комилки, ҳозир Осиё кубоги учун курашда муваффақиятли ўйнаётган ёшларимиз яна тўрт йил ичида улғайиб, жаҳон чемпионати мусобақаларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади.

Азиз мухлислар, Ўзбекистон футболчиларини жаҳон чемпионати финалида кўриш фақат орзу-армон бўлиб қолмаслиги учун сизнингча яна нималарга эътибор бериш керак? Фикр-мулоҳаза, таклифларингизни кутамиз!

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

«МИРОБОД БОЗОРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚАРУВИ

шуни маълум қиладики, жамият Кузатув кенгашининг 2002 йил биринчи ярим йиллик молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ўтказилган навбатдаги йиғилиши қарорига мувофиқ, дивидендлар номинал қийматига нисбатан

16,96 фоиз тўланади.

Акциядорлар реестри 2002 йил 3 август ҳолати бўйича ёпилади.

Акциядорлар 2002 йил 3 сентябрдан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, «Миробод бозори» ОАЖ.

ОАО «RAUPXON»

сообщает о наступлении важного события — начисление и выплата доходов по ценным бумагам эмитента.

Порядковый номер сообщения — 05.

Вид ценных бумаг-акции простая, именная, безналичная.

Дата принятия решений о выплате дивидендов — 28.06.2002 г.

Срок выплаты дивидендов — с 01.08.2002 г.

Орган эмитента, принявщие решение о выплате дивидендов — общее собрание акционеров.

Размер начисленного, дивиденда, выплачиваемого на одну акцию — 200 сум.

Общее количество акций — 34000 штук.

Форма выплаты начисленных доходов — денежные средства.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ.

БОШ ВАЗИРГА МАНГО ЖЎНАТДИ

Покистон Президенти Парвез Мушарраф Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаи номига бир яшик манго меваси жўнатди. Мамлакат Ташқи ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, бу қадимий одат бўлиб, ҳар йили амалга оширилади.

«Манго кўплаб мамлакатларнинг раҳбарларига жўнатилади. Бу 25 йилдан бери такрорланиб келаётган ўзига хос анъанадир» дейди Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби. Унинг сўзларига қараганда, манго Покистон элчихонаси орқали Деҳлига — Ҳиндистон Бош вазирига етказилди, дейилади Reuters тарқатган хабарда.

АСИРЛИКДАН ОЗОД ЭТИЛДИЛАР

Шу йилнинг апрель ойида Колумбиядан Эквадорнинг Эсмералдас шаҳри томон учган «Элиамерика» компаниясига қарашли вертолёт ҳалокатга учраган эди. Вертолёт ичида бўлган Франциянинг ва Канаданинг икки нафар фуқароси йўқолиб қолганди. Яқинда уларнинг дараги топилди. Маълум бўлишича, улар мамлакатда фаолият кўрсатаётган экстремистлар гуруҳи жангарилари томонидан асирга олинган экан. Маҳбуслар ўз давлатининг Колумбиядаги элчихоналари аралашуви билан асирликдан озод этилдилар.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЎҒЛИ ҚАМОҚДА

Ўтган ҳафта Индонезия суди мамлакатнинг собиқ Президенти Сухартонинг ўғли Хутомо Мандала Путра (лақаби Томми) Олий суд судьясига суиқасд уюштирганликда ва ноқонуний қурол сақлаб, қонунга итоат этмаганликда айбланиб, 15 йилга озодликдан маҳрум этилганди.

Аниқланишича, Томми суиқасдни амалга ошириш учун 11 минг долларга икки киллерни ёллаган. Улар эса қотилликни амалга оширишга эришган. Бу йўл билан Томми Олий суд судьясидан ўч олган. Сабаб: судья Томмини порахўрлиги учун умрбод қамоқ жазосига маҳкум этган эди.

Томми ҳозир ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдан бош тортмоқда. Демак, ҳукмдан норози эмас.

«ОРТ» НОМИНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Шу йил кузда «Общественное российское телевидение» (ОРТ) очиқ акциядорлик жамияти ўз номини ўзгартиришга қарор қилди. Бу ҳақда «ОРТ»нинг бош директори Константин Эрнст хабар тарқатди. Унинг айтишича, жорий йил куздан бошлаб «ОРТ» «Биринчи канал» ОАЖ, деб юритилади.



ФРАНЦИЯ. ТУЛУЗА ШАҲРИ БИНОКОРЛИГИ

ШАҲАР МЭРИ ЎРИНБОСАРИНИНГ МАШИНАСИНИ ЎҒИРЛАШДИ

Ҳа, ишонаверинг, кимсан — Москва шаҳри мэрининг ўринбосари Юрий Рослякнинг хизмат машинасини икки безори ўғирлаб кетди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари берган манбаларда қайд этилишича, пайшанба куни таҳминан соат 23.40ларда Рослякнинг ҳайдовчисига икки йигит келиб, манзилга олиб бориб қўйишини сўрайдилар. Ҳайдовчи рози бўлади. Йўлда эса икки безори машинадан ҳайдовчини тушириб юборади ва шаҳар мэри ўринбосарининг хизмат автомобили — «Volvo S-80»ни ўғирлаб қочадилар. Машина ҳали топилганича йўқ.

«ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ўзбек савдо

Республика умумтаълим мактаблари ўқувчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртлари талабаларини мактаб-ёзув қуроллари ва кийим-кечаклари билан таъминлашни яхшилаш юзасидан белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида

5 августдан 10 сентябргача республика бўйича «Мактаб бозорлари» ва ярмаркалари ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари билан келишилган ҳолда ҳудудий «Савдо» акциядорлик компаниялари томонидан мамлакатимиз шаҳарларида 90 та мактаб-ёзув қуроллари ва кийим-кечакларининг барча турларини сотувчи бозорлар, ярмаркалар ташкил этадилар. Бундан ташқари, турғун савдо дўконларида 150 та махсус бўлимлар очилади.

«Мактаб бозорлари» ва ярмаркалари ҳудудларида харидорларга салқин ичимликлар, музқаймоқ ва бошқа умумий овқатланиш маҳсулотларини сотиш ҳам ташкил этилади.

Ҳозирги кунда аҳолига етказиб бериладиган мактаб-ёзув қуроллари ва кийим-кечакларнинг турлари бўйича заҳиралар етарли.

Тошкент шаҳрининг 11 туманида марказий «мактаб бозорлари» ва буюм бозорлари, ярмаркаларда 40 та «мактаб бозорлари» ташкил этилади. Ушбу «мактаб бозорлари»да хусусий тадбиркорлар, тижорат фирмалари ҳам ўқув қуроллари ва бошқа товарлар билан савдо қилишга жалб этиладилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ВА ЁЗУВ-ЧИЗУВ АШЁЛАРИ СОТАДИГАН АСОСИЙ «МАКТАБ БОЗОРЛАРИ» РЎЙХАТИ:

А. ИКРОМОВ ТУМАНИ

1. Марказий туман «Мактаб бозори» — Чилонзор 9ГА мавзе «Собитҳожи» дўкони олдида, Фарҳод кўчаси.
2. «Шуҳрат» СИЖК — Чилонзор даҳаси, 11-мавзе.
3. Х.Т. Мамасаидов «Офис Маркет» — Ўрикзор мавзеси, 12-коттеж олдида.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ

1. Марказий туман «Мактаб бозори» — Водник даҳаси, Ҳ. Бойқаро кўчаси. «СиД»F МЧЖ дўкони олдида.
2. «Сардор-Соҳиба» МЧЖ дўкони — Бектемир шоҳ кўчаси.
3. «Мактаб бозори» — «Бектемир буюм бозори» (тадбиркорлар) ҳудудида.

МИРОБОД ТУМАНИ

1. Марказий туман «Мактаб бозори» — «Тошкент универмаги» АЖ ҳудудидаги майдонда, Ўзбекистон кўчаси. 45.
2. А. Навоий номли театр майдони (китоблар ва канцтоварлар) — Ўзбекистон кўчаси.
3. «Миробод бозори» ҳудудида — Авлиёота кўчаси (тадбиркорлар)
4. «Шарқ зиёкори» ХФ (дарсликлар) — Матбуотчилар кўчаси.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ

1. Марказий туман «Мактаб бозори» — Буюк ипак йўли метро бекати, Буюк ипак йўли кўчаси, 103-уй олдида (тадбиркорлар)
2. «Даврон-Достон» ХФ дўкон ичида — Буюк ипак йўли кўчаси, 3-уй.
3. «Улуғбек Азизбек» ХФ дўкон олдида — Улуғбек шаҳарчаси.
4. «Мактаб бозори» *(тадбиркорлар)* — Қорасув-2 бозорчаси ҳудудида.
5. «Мактаб бозори» *(тадбиркорлар)* — Сайрам кўчаси, 43-уй олдида.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ

1. Марказий туман «Мактаб бозори» — Беруний метро бекати.
2. «Фатхулла ўғли Беҳзод» ХФ — Ўрозбоев кўчаси.
3. «Йўлдош ҳамкор» ХФ — «Қорақамиш бозори» ҳудудида.
4. «Мактаб бозори» *(тадбиркорлар)* — «Қорақамиш бозори» ҳудудида «Темир хазинаси» ШК, Ўрозбоев кўчаси.

СИРҒАЛИ ТУМАНИ

1. Марказий туман «Мактаб бозори» — «Супермаркет Сирғали» ЖК, Сирғали-8.
2. «Мактаб бозори» — Деҳқон бозори ҳудудида.
3. «Абул Зул Фар» ХК дўкон ичида — Сирғали-3.
4. «Ўқув қуроллари» ХФ дўкон ичида — Сирғали-3.
5. «Ўлмасбек» дўкони — Сирғали-3.
6. «Жамол ҳожи» — Сирғали-3.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

1. Марказий «Мактаб бозори» — «Чилонзор савдо маркази» ЖК, Чилонзор кўчаси, 55, дўкон олдида.
2. «Бешёғоч бозори» шўъбаси — Ҳамза метро бекати олдида (тадбиркорлар)
3. Қозиробод бозори — Чилонзор кўчаси (тадбиркорлар)

4. «Мактаб бозори» — Чилонзор метро бекати «Гул бозор» олдида (тадбиркорлар)

ҲАМЗА ТУМАНИ

1. Марказий туман «Мактаб бозори» — Й. Охунбобоев кўчаси.
2. «Мактаб бозори» — «Паркент бозори» ҳудудида.
3. 26-сон китоб дўкони (канцтоварлар) — Исломов кўчаси, 18.
4. 36-сон китоб дўкони (канцтоварлар) — Янгиобод гузари.
5. «Мактаб бозори» — «Авиасозлар бозори» ҳудудида, Кадишев кўчаси.

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

1. Марказий туман «Мактаб бозори» — «Ўзбекистон матбуоти» ва унинг ШКлари, Навоий кўч. 30 растасида.
2. «Мактаб бозори» — Навоий кўч. 30-а растаси.
3. «Мактаб бозори» — «Болалар дунёси» олдида ва ичида.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

1. Марказий туман «Мактаб бозори» — «Ю. Обод Саховат» ЖК ҳудудида Юнусобод 19-мавзеси дўкон олдида.
2 «Мактаб бозори» — «Юнусобод универсал бозори» автоулов.
3. «Мактаб бозори» — Каблуков кўч. Олой бозори олдида.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

1. Марказий туман «Мактаб бозори» — «Саодат СМ» ЖК дўкон олдида, У. Носир кўчаси.
2. «Мактаб бозори» *(тадбиркорлар)* — «Аския бозори» ҳудудида.
3. «Мактаб бозори» *(тадбиркорлар)* — У. Носир кўчаси, 52-уй олдида.

Ҳурматли ота-оналар! Азиз фарзандларингизга мактаб-ёзув қуроллари ва кийим-кечаклар харид қилмоқчи бўлсангиз «мактаб бозорлари» ва ярмаркаларга марҳамат қилинг!

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ПЬЕР ГАССЕНДИ — ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ. 1592-1655 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Ўз ақлини у ёки бу одамнинг обрўйига бўйсиндириш – оҳ, файласуфга бу қандай номуносиб!

♦ Агар инсон барча, Худонинг ўзигина билиши мумкин бўлган, нарсаларни билганида эди, унда инсон билан Худо ўртасидаги фарқ қаерда қоларди?

♦ Нима учун, агар кўз кўрса, қулоқ эшитса ва одамнинг қобилиятларидан ҳар бири ўз вазифасини олдиндан ўргатилмай бажарса, нима учун ақлнинг ўзи фикрлай, ҳақиқатни излаб, топа билмас ва унинг ўзининг вазифаси нимадалиги тўғрисида муҳокама юрита олмас экан, деган фикр менинг калламга тез-тез келиб турарди.

♦ Таажжуб, одамлар фалсафа билан шуғуллана ва ҳақиқатни, ҳаттоки, нарсаларнинг табиатини тадқиқ эта бошлаганларидан бери, бирон-бир одам у ёқда турсин, бирон-бир халқ ёки фалсафий мактаб ҳам топилмадики, у ҳақиқатни топган ва уни очган бўлсин.

♦ Шу кунгача ҳам кўплаб донишмандлар ва файласуфлардан бахслардан бошқа ҳеч нарса қолмади.

♦ Нодонлик кишини, унинг қўлида юзта панжанинг йўқлигига қараганда, кўпроқ шармандa қилмайди. Юзта панжага табиий заруратнинг бўлмаганидай, нарсаларнинг сирли табиатини билишга ҳам бундай зарурат йўқдай, чамаси.

♦ Ҳақиқат юзасидан, хусусан, ўзимни уни билишга қодир эмаслигимни ҳис этиб, ҳеч нима гапирмайман.

♦ Мабодо, биз ҳақиқатан ниманидир билсак, буни риёзиётни ўрганиш туфайли биламиз.

♦ Э, воҳ, фалсафада, айни маъно хусусида мангу баҳс бўлмаслиги учун, сўзлар тўғрисида қандай жон куйдирмоқ лозим.

♦ Кимнинг доно эканлиги тўғрисида ҳукм чиқариш учун унинг ўзи айниқса доно бўлмоғи зарур.

РЕНЕ ДЕКАРТ – ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ, РИЁЗИЁТЧИСИ, ТАБИАТШУНОСИ. 1596 - 1650 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Менга модда ҳамда ҳаракатни беринг ва мен сизга бундан Коинотни барпо қиламан.

♦ Бутун фалсафа худди бир дарахтга ўхшаган бўлиб, унинг илдизи – метафизика, танаси – физика, шохлари – учта асосий: тиббиёт, механика, этикага жамланувчи, барча бошқа фанлар. Худди меваларни дарахтнинг илдизи ва унинг танасидан эмас, балки, шохларининг учидан йиғганларидай, фалсафанинг ўзига хос фойдалилиги ҳам унинг, пировардида ўрганилиши мумкин бўлган, қисмларига боғлиқ.

♦ Агар биз Платон ва Аристотелнинг ҳар бир сўзини ўқиганимизда ҳам, барибир, ўз фикрларимизга амин бўлмай, фалсафада бир қадам ҳам олға боса олмасдик; бизнинг билимимиз эмас, балки, фақат тарихий бохабарлигимиз бойиган бўларди.

♦ Фалсафа билан ҳаммадан кўпроқ шуғулланадиган одамлар, кўпинча, ўзини ушбу машғулотга бағишламаганларга қараганда, камроқ донодирлар ва ўз ақл-фаросатларидан у қадар тўғри фойдаланмайдилар.

♦ Қадимгилар сабоқ берган нарсалар шунчалик арзимас ва уларнинг аксарияти эҳтимолдан шунчалик узоқки, менинг, улар юрган йўллардан узоқлашмай, ҳақиқатга яқинлашишдан умидим йўқ.

♦ Фалсафа кўп асрлар давомида ажойиб ақл-заковат эгалари томонидан тадқиқ қилинган ва, шунга қарамасдан, у баҳс талаб этмайдиган, демак, шубҳали бўлмаган, биронта ҳам бандга эга эмас.

♦ Доноларнинг гапларини унча ҳам кўп сонли бўлмаган умумий қоидаларга жамлаш мумкин.

♦ Улкан фикрлар, файласуфларнинг ишларига қараганда, шоирларнинг асарларида тез-тез учраши ажабтовур бўлиб кўриниши мумкин. Бу шунинг учунки, шоирлар хаёлдан туғилувчи илҳомдан таъсирланиб ёзадилар. Билимларнинг куртаклари бизда, чақмоқтошдаги олов сингари, бўладилар. Файласуфлар уларни ақл ёрдамида ўстирадилар, шоирлар бўлса, уларни хаёл воситасида ёндирадилар, шундай бўлгач, улар тезроқ алангаланадилар.

♦ Мен хулқий бузуқликларни, билиш учун, тананинг касалликларига қараганда, осонроқ бўлмаган, руҳнинг касаллиги, деб атайман, чунки, кўпинча, биз ўз танамиз соғлиғининг ҳолати тўғрисида ўзимизга ҳисоб берамиз, аммо, ақлимизга нисбатан – ҳеч қачон.

♦ Хилватни катта шаҳарлардан ахтармоқ лозим.

♦ Онгли ва ўз қадрини ҳис этадиганлар бошқаларнинг улардан ақллироқ, ўқимишлироқ ёки чиройлироқ эканликларидан қўрқмайдилар.

♦ Шу қадар узоқдаги биронбир нарса йўққи, унга эришиб бўлмасин, на шундай бирон сир борки, уни очиш мумкин бўлмасин.

♦ Тақдирга қараганда, кўпроқ ўз устингдан ғалаба қилишга ва дунёдаги тартиботлардан кўра, кўпроқ ўз хоҳиш-истакларингни ўзгартиришга ҳамиша интил.

♦ Мен мактабдаёқ билиб олдимки, бирон-бир файласуф томонидан ҳали айтилмаган, шу қадар ўзига хос ва эҳтимолдан узоқ ҳеч нимани ихтиро қилиш мумкин эмас.

♦ Ҳамма жойда мустақилликни сақлаб қолиш мумкин: яшаётган жой эмас, балки, ўзини, қатъиятлилик етишмагани ҳолда, кўрсатишга ташналик бир одамни бошқанинг олдида эгиб қўяди.

♦ Фақат бефаҳм ва беақл одамлар, табиатан, ажабланишга қодир бўлмасаларда, бироқ, бунга қодирлик ҳамиша ҳам маънавий истъедодлилик даражаси билан қўлни қўлга бериб одимлайвермайди.

♦ Иккита инсоний эҳтиросларнинг – «севги-муҳаббат» ва «нафратдан» айни «севги-муҳаббат»нинг ҳаддан ташқариликка кўпроқ мойиллиги бўлади.

♦ Эркинлик ва бўш вақт... Бу икки нарсага шундай бекамиқўст эгаман ва уларни шу даражада қадрлайманки, уларни мендан сотиб олишга қодир бойликка эга подшо дунёда йўқ.

♦ Декарт ҳайвонларни анатомик тадқиқ этиш билан берилиб шуғулланган. Ташриф буюрувчилардан биринг ундан китобларини кўрсатишни илтимос қилгани маълум. Декарт қўшни хонанинг эшигини очиб, сўйилган бузоқнинг танасига ишора қилган-да ва айтган: «Мана менинг кутубхонам».

♦ Мен фикрлаётирман, демак, яшаяпман.

♦ Овозларнинг кўплиги ҳақиқат фойдасига рад этиб бўлмайдиган далил эмас, кашфиётнинг таъсирига тушадиганларга шу боисдан ҳам осон эмаски, бундай ҳақиқатларга, кўпроқ, бутун бир халқ эмас, балки, алоҳида одам тўқнаш келади.

♦ Ақл – алангаланиб, ўзи совуқлигича қоладиган, ёндирувчи шиша.

♦ Яхши ақлга эга бўлишнинг ўзи кам, асосийси – уни яхши қўллай билмоқ.

♦ Бошқа асрларнинг ёзувчилари билан суҳбатлашиш – саёҳатдай нарса.

♦ Ҳасадгўйликдай, одамларнинг бахт-саодати учун зарарли, биронта ҳам иллат йўқ, негаки, уни юқтирганлар нафақат ўзларини қайғуга соладилар, шунингдек, бошқаларнинг қувончини хиралаштирадилар.

♦ Агар ақлингизнинг тўғри ишлашини хоҳласангиз, унда ўз танангизни қузатинг.

♦ Тап тортмаслик – умидсиз кўркув.

♦ Сўзларни тўғри аниқланг ва сиз дунёни англашилмовчиликларнинг ярмидан қутқарасиз.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — : 22.00
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

СПОРТ

НАВБАТ ИККИНЧИ ДАВРАГА

Бугун олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг иккинчи давра ўйинлари бошланади. Чемпионат пешқадами пахтакорчилар «Дўстлик» жамоасини қабул қиладилар. Шунингдек, «Самарқанд-Д» — «Навбаҳор», «Бухоро» — «Андижон», «Сўғдиёна» — «Металлург», «Зарафшон» — «Қизилқум», «Қўқон-1912» — «Нефтчи», «Насаф» — «Сурхон» жамоалари ҳам майдонга тушадилар.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Таиландда тайбокс бўйича ўтказилган жаҳон кубоги учун мусобақада 50дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этди. Ҳамюртимиз Эркин Куттибоев тўртинчи марта жаҳон кубоги соҳиби бўлди. Шерзод Шарипов кумуш медаль билан қайтди. Жасур Нурмуҳаммедов билан Жаҳонгир Ғуломовга бронза медаллари насиб этди.

ДАРВОЗАБОННИНГ НИЯТИ

Бугун Австриянинг «Тироль» жамоаси дарвозабони Станислав Черчесов Москвага келади. У айни пайтда Россия терма жамоасининг аъзоси. Черчесов «Спартак» жамоаси билан шартнома тузиш ниятида. Гап шундаки, тажрибали дарвозабоннинг бирдан-бир орзуси «Спартак» жамоасида ўйнаб, яна лига чемпионлари баҳсида Россияга олтин медални олиб келишдир.

МУХЛИСЛАР ОДОБИГА ЭЪТИБОР

Россия футболида ўзига хос тадбир қўлланмокда. Мақсад, ашаддий мухлисларни мамлакат қонунларига риоя қилишга ўргатишдан иборат. Шу ниятда қонунлар мажмуасидан олинган қайдномалардан иборат юз мингга яқин варақани мухлисларга тарқатишмоқчи. Ким билади дейсиз, балки, бу усул бўлар-бўлмасга жанжал кўтарувчи фанатларни тартибга чақиришда асқотар.

ШАРТНОМАНИ ЧЎЗМОҚЧИ

Шайбали ҳоккей бўйича «Детройт» жамоасининг (АҚШ) ўнг қанот ҳужумчиси Доррен Маккарти 1,95 миллион доллар ҳисобида ойлик ҳақи белгиланган йиллик шартномани бекор қилмоқчи. Боиси, моҳир хоккейчи бундай шартнома муддатини кам деганда 2 йил бўлишини истайди. Ҳозирча Маккарти шартномани 2003 йилгача чўзиш ниятида.

UZBEKISTAN airways

ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ

ФАҚАТ 1 АВГУСТДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА

Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси-нинг Ўзбекистон Республикаси бўйича қуйидаги ҳаво қатновларида

ТАРИФЛАР КАМАЙТИРИЛДИ ВА БЕПУЛ ЮК ТАШИШ МЕЪЁРИ ОШИРИЛДИ!

Тошкент — Фарғона (ХИ 1415/1416, ХИ 1413/1414 қатновлари).
Тошкент — Андижон (ХИ 1433/1434, ХИ 1435/1436, ХИ 679/680, ХИ 691/692 қатновлари),
Тошкент — Наманган (ХИ 1461/1462, ХИ 655/656 қатновлари),
Тошкент — Самарқанд (ХИ 1317/1318 қатнови) — *бир томонга тариф — 8 000 сўм;*
Тошкент — Бухоро (ХИ 659/660, ХИ 1337/1338) — *бир томонга тариф — 9 000 сўм;*
Тошкент — Термиз (ХИ 1165/1166 қатнови) — *бир томонга тариф — 12 000 сўм;*
Тошкент — Урганч (ХИ 645/646, ХИ 749 қатновлари) — *бир томонга тариф — 20 000 сўм;*

ЮҚОРИДА НОМЛАРИ САНАЛГАН ҚАТНОВЛАРДАГИНА БЕПУЛ ЮК ТАШИШ МЕЪЁРИ — 30 КГ!

КАМ ТЎЛАБ — КЎП ЮТАСИЗ!

Шунингдек, сизнинг эътиборингизни ушбу тарифларга фахрийлар учун 25 фоиз чегирма ва 2 ёшгача бўлган болалар учун 10 фоизлик, 2 дан 12 ёшгача бўлган болалар учун 50 фоизлик имтиёзлар қўлланилишига қаратамиз.

Авиачипталарни қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин: Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 9-уй. Ҳаво алоқалари бош агентлиги, шунингдек, унинг барча филиалларида. Маълумот учун телефон: 066.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» — ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҚУЛАЙЛИК!

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Турон» меҳмонхонаси (ОКПО коди — 03520964)

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой ичида қуйидаги манзилда: *Тошкент шаҳри, Абдулла Кодирий кўчаси, 1 ёки 41-04-29 рақамли телефон орқали қабул қилинади.*

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 82-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серияси 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР	81	69	78	6 ТУР	30013886.1	11 ТУР	Сумма: 1000	23 ТУР
86	84	15	29	50	90004819.1	39	17 ТУР	64
36	56	88	68	Сони: 2	9 ТУР	Сони: 5	17	Сони: 297
19	90	70	27	Телевизор	20	Сумма: 1500	Сони: 12	Сумма: 300
32	63	65	46	Чипталар рақами	Сони: 3	12 ТУР	Сумма: 900	24 ТУР
83	45	Сони: 2	58	50021896.3	Телевизор	35	18 ТУР	53
7	76	Сумма: 2250000	71	60017262.3	Чипталар рақами	Сони: 4	77	Сони: 537
82	41	Чипталар рақами	1	7 ТУР	20010218.3	Сумма: 1400	Сони: 27	Сумма: 300
48	6	50037459.2	10	89	50031751.3	13 ТУР	Сумма: 800	25 ТУР
14	43	90017228.2	23	Сони: 4	80008925.3	62	19 ТУР	31
18	72	4 ТУР	Сони: 2	Телевизор	10 ТУР	Сони: 9	52	Сони: 688
74	75	67	Сумма: 5500000	Чипталар рақами	37	Сумма: 1300	Сони: 69	Сумма: 300
24	2	66	Чипталар рақами	10014665.2	Сони: 6	14 ТУР	Сумма: 700	Қўшимча тур
Сони: 2	30	79	40011549.2	20017631.2	Телевизор	51	20 ТУР	Сони: 30
Телевизор	Сони: 1	38	70026187.1	50038758.3	Чипталар рақами	Сони: 10	11	Сумма: 900
Чипталар рақами	Телевизор	13	5 ТУР	80027153.3	20024738.3	Сумма: 1200	Сони: 76	Халтадан чиқмаган шарлар:
50030759.1	Чипта рақами	34	54	8 ТУР	40015501.3	15 ТУР	Сумма: 600	9,
80017113.1	50001403.1	42	Сони: 2	4	40029325.1	26	21 ТУР	12,
2 ТУР	3 ТУР	49	Телевизор	Сони: 3	60012414.2	Сони: 9	33	55,
40	44	25	Чипталар рақами	Телевизор	60027817.1	Сумма: 1100	Сони: 99	57,
85	3	61	20005823.2	Чипталар рақами	90037115.3	16 ТУР	Сумма: 500	60,
22	59	16	90038945.1	10034315.2		21	22 ТУР	73
87	5	47				Сони: 9	80	
8	28						Сони: 175	
							Сумма: 400	

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 15 августдаги 83-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
2 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
3 тур - 2 хонали уй Тошкент ш.
4 тур - NEXIA автомобили
5, 6, 7, 8, 9, 10 турларда - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ва кунгаги пул ютуқлари

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ёзги мавсум муносабати билан ҳар иккинчи ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.